

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ**206 Республика ипакчилик тармоғи корхоналарини янада
қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Юқори сифатли ипак қурти пилласи ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, республика ипакчилик тармоғи корхоналарининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

«Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг пиллакашлик корхоналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ипак қуртининг жонланиш, ҳосилдорлик ва технологик хусусиятлари юқорироқ кўрсаткичларга эга уруғини пилла етиштирадиган хўжаликларда боқиш учун етишмайдиган ҳажмларда ҳар йили импорт қилади;

импорт қилинадиган ипак қурти уруғи «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаб қўйилади ва кейинчалик хорижий етказиб берувчилар билан хом ипак толаси ҳамда пиллани қайта ишлаш чиқиндилари орқали ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

2. «Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг пиллакашлик корхоналари ихтиёрида қоладиган, «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режими остида олиб кирилган ипак қурти уруғи ҳажмларини қайта ишлашдан кейин вужудга келадиган ва «эркин муомалага чиқариш» (импорт) божхона режимига қўйилган қайта ишланган маҳсулотлар ва чиқиндилар (ТИФ ТН коди 5001, 5002, 5003) иловага* мувофиқ рўйхат бўйича 2018 йилнинг 1 январигача божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

3. Белгилансинки, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун қайта ишланган маҳсулотлар ва чиқиндилар ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» АЖ билан келишилган ҳолда ипак қурти уруғини олиб кирган «Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг пиллакашлик корхонаси билан пилла тайёрлаш корхонаси ўртасида имзоланадиган солиштирама далолатномалари асосида белгиланади.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 24 март,
Ф-4881-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.